

# БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашида БМТ Махсус маърузачисининг Ўзбекистонга ташрифи бўйича маърузаси муҳокама қилинди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Женевада бўлиб ўтаётган 44-сессияси доирасида 2020 йил 13 июль куни БМТ Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг 2019 йили Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи якунларига доир маърузасини кўриб чиқишга бағишланган видеоконференция ўтказилди.

БМТга аъзо мамлакатлар делегацияларининг бевосита иштирокисиз ўтаётган Инсон ҳуқуқлари кенгашининг ушбу сессияси ишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси онлайн режимда иштирок этди.

Сессияда БМТ Махсус маърузачисининг ташрифи якунлари юзасидан таклиф этилган тавсиялар асосида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида Ўзбекистон делегациясининг шарҳлари ҳам тингланди.

БМТ Махсус маърузачиси ўз маърузасида Ўзбекистонда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида эришилган ижобий натижаларни алоҳида таъкидлади. Халқаро ҳамжамият эътибори, авваламбор, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда давлат институтлари ва сиёсатни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқилганига қаратилди. Ҳозирги даврда одил судлов тизимида амалга оширилаётган ислохот ана шу дастурнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Диего Гарсия-Саян Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимини бажаришга киришган пайтидан бошлаб амалга оширган муҳим ишлар қаторида, жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқшуносларнинг ўз касбий фаолиятини янада эркин бажаришини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг муайян амалий натижаларини санаб ўтди.

Хусусан, Ўзбекистонда суд ҳокимияти ва судлар хизматини ташқи сиёсий босимлардан муҳофаза қилиш борасида кенг ваколатларга эга бўлган конституциявий орган сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилган. Суд тизими қайта тузилган, хусусан, Олий ҳўжалик судига тегишли вазифалар Олий суд тасарруфига ўтказилган.

Маъмурий ишлар бўйича судларнинг янги тизими яратилган. Адлия вазирлиги зиммасидаги судлар фаолиятининг маъмурий жиҳатлари билан боғлиқ айрим маъмурий ва техник функциялар Олий суд ҳузурида янги ташкил этилган Судлар фаолиятини таъминлаш бўйича департамент ихтиёрига берилган.

Мамлакатда прокурорларга нисбатан муносабатда судьялар мустақиллигининг ўзига хос кўрсаткичи сифатида, жиноят ишлари бўйича оқлов ҳукмлари миқдори ортиб бормоқда. Судьялик лавозимларига номзодларни саралаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилган. Судьялар алмаштирилмаслиги кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича амалий чоралар кўрилган.

Судьяларни бирламчи ва узлуксиз тайёрлаш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби очилган. Судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда. Одил судловдан фойдаланиш имкониятларини осонлаштириш ҳамда бу борадаги шаффофликни оширишга қаратилган электрон тартиб-таомиллар босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат соҳасида бир қатор муҳим ислохотлар амалга

оширилган. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган ва бундай чораларни амалга ошириш учун таъсирчан механизмлар яратилган.

БМТ Махсус маърузачисининг фикрича, ушбу амалий чора-тадбирларни том маънода мустақил ва холис одил судлов тизимини барпо этиш йўлидаги дастлабки қадамлар деб ҳисоблаш лозим. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан ҳақиқатан ҳам мустақил бўлишига эришиш ҳамда судьялар, прокурорлар ва адвокатлар ўз касбий фаолиятини ҳеч қандай асоссиз аралашувлар ва босимларсиз амалга оширишларини таъминлаш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиш керак бўлади.

Д. Гарсия-Саян маърузаси якунида Ўзбекистонда судьялар ва прокурорлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқшунослар ўз касбий фаолиятини эркин амалга оширишларини таъминлашга қаратилган бир қатор тавсиялар ҳам берди. Хусусан, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш истиқболларига тааллуқли қуйидаги тавсиялар тақдим этилди:

- суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни халқаро стандартларга мос равишда амалга оширишни давом эттириш, хусусан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устунлигини конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйиш;
- судлар фаолиятига бошқа ҳеч қандай органларнинг аралашмаслигига эришиш, яъни суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш;
- Судьялар олий кенгашининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ваколатларини кенгайтириш, уни шакллантириш тартибини янада мукаммаллаштириш;
- судьялик лавозимига номзодларни саралаш тартиб-таомилларини такомиллаштириш;
- судьяларнинг ваколат муддатларини қайта кўриб чиқиш;
- суд тизимида гендер тенгликни, яъни аёл судьялар ҳам тенг асосда ишлашини таъминлаш;
- прокуратура органларининг ваколатларини чеклаш;
- адвокатларнинг мақоми ва мустақиллигини мустаҳкамлаш;
- одил судлов имкониятлари ва малакали юридик ёрдамдан барчанинг, жумладан, ногиронларнинг ҳам эркин фойдаланишлари учун зарур шароитлар яратиш.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Махсус маърузачисининг маърузасида қайд этилган тавсияларнинг аксарияти мамлакатимиз томонидан ўтган қисқа даврда бажарилган. Айтиш мумкин, ушбу тавсияларнинг қолган қисми изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимининг навбатдаги босқичи учун белгилаб берган янги вазифаларнинг моҳияти ҳам БМТ Махсус маърузачисининг бу борадаги фикрлари, умуман, БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 44-сессиясида билдирилган тавсиялар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

**Манба**